



ЛОЙИХАЛАРНИ ИЗЛАШ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ

Лойиха № 1744

Сунъий интеллект ёрдамида инсон саломатлигини баҳолаш

Лойиха учун керакли бўлган инвестиция миқдори: **\$500 000**

Инвестиция сармоясининг рентабеллиги: **27%-51%-110%**

Йиллик соф фойда: **\$0.9-1.8-3.9 млн.**

Муаллиф сармояси: **\$13 250**

Жалб қилинган сармоя: **\$400 000**

Лойиха бўйича қўшимча маълумот олиш учун:


Лойиханинг мақсади: Компания сунъий интеллектга асосланган саломатлик ва фаровонликни баҳолаш тизимларини яратмоқда, улар жисмоний, руҳий ва хиссий саломатлигини фаол бошқаришга интилаётган ташкилотлар ва жисмоний шахслар учун инновацион эчимларни тақдим этади. Ушбу ҳисоб-китобларда инсон соғлиғи ҳолати тўғрисида шахсийлаштирилган маълумотлар тақдим қилиш учун сунъий интеллект ва маълумотлар таҳлилидан фойдаланилади.

Бу "Wellbe кўрсаткичи" деб номланиб, у турмуш тарзини ўзгартириш учун Аюрведа ва руҳий фаровонлик учун виртуал ҳақиқат орқали таъсир қилиш терапиясига асосланади.

Бугунги кунга қадар 65 мингдан ортиқ мижозларга маслаҳатлар берилган, мижозларнинг 30% қисми хизматдан қайта фойдаланган.

Лойихага Мумбай инкубация ва бизнес акселератори маркази орқали 400 минг АҚШ доллари маблағ жалб қилинган, лойиха муаллифи томонидан 13,5 минг АҚШ доллари сарфланган.

Лойиха учун керакли инвестиция миқдори: \$ 500 000, шундан:



info@uzinvest.uz



<https://t.me/uzinvestuz>



+998983389333,+998909259681

Бозор имкониятлари:

- Ҳиндистоннинг корпоратив соғломлаштириш бозори (саломатлик ва фаровонлик) 7 миллиард долларга етиши кутилмоқда, бу эса 20 фоиз ўсиш демак.
- Жаҳон корпоратив соғломлаштириш бозори ҳажми 4,5 триллион долларга тенг.
- Ҳиндистон ишчи кучининг атиги 15 фоизи корпоратив соғломлаштириш дастурларида иштирок этади, бу эса ушбу соҳада фойдаланилмаган улкан салоҳият борлигига ишора қилади. Ушбу бозор сегменти турли соҳалардаги 405 миллионга яқин ходимларни қамраб олади.

Мақсадли мижозлар:

1-босқичда - корхоналар, Ҳиндистонга келган хорижий компаниялар, масалан, Икеа, Амазон, венчур компаниялар, оммавий рўйхатдан ўтган компаниялар, яхши молиялаштирилган стартаплар.

2-босқичда - касалхоналар, академик муассасалар, спорт заллари каби соғломлаштириш марказлари.

Лойиҳанинг ўзига хослиги:

- Ходимларни ишга жалб қилиш, ушлаб туриш ва самарадорлигини оширишда HR ролини оширадиган маълумотларга асосланган воситаларга эгаллиги.
- Лойиҳа Аюрведа дошалари (Вата, Питта, Капха) асосида индивидуал баҳолаш усулини таклиф этади, бу эса инсон фаровонлиги учун мослаштирилган индивидуал эчимларни тақдим этади.
- Лойиҳа оптимал корпоратив самарадорликка эришиш учун ўзида Аюрведа, маълумотлар таҳлили ва шахсийлаштирилган аралашувларни ўзида мужассамлаштирган.
- Соғломлаштириш режаларини ЭМСК (энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари) асосида мослаштириш.

Лойиҳа муаллифи ва унинг жамоаси ҳақида: Лойиҳа муаллифи Ҳиндистон фан ва технологиялар вазирлиги томонидан ривожланаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун ишлаб чиқилган стипендия дастури бўлган биринчи Нидҳи - ЭИР (инновацияларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш бўйича миллий ташаббус-яшаш жойидаги тадбиркор) билан тақдирланган. Ушбу воқеа Индия Today нашри томонидан "Йил ислохотчилари" рўйхатига киритилган. Муаллиф лойиҳаси Форбес Индия томонидан 2023 йилнинг 100 та энг яхши стартаплари рўйхатига киритилган.

Унинг жамоасида рақамли трансформация, органик қишлоқ хўжалиги, стратегик консалтинг, Аюрведа ва нейропсихиатрия бўйича мутахассислар бор.



Лойиха учун керакли инвестиция миқдори: 500 000\$, шундан:

№	Номланиши	Сумма, \$
1	Маркетинг ва реклама	153 500
2	Бизнесни ривожлантириш	124 670
3	Илмий-тадқиқот ишлари	50 620
4	Савдо ва мижозларга хизмат кўрсатиш	35 000
5	Технологик инфратузилма ва мувофиқлик	98 860
6	Интеллектуал мулк ҳуқуқлари	24 100
7	Боша кутилмаган жаражатлар	13 250
ЖАМИ:		500 000

Ойлик даромадлар ҳақида маълумот:

№	Номланиши	Сумма, \$
1	"Wellbe кўрсаткичи" баҳолаш хизмати	500
2	Корпоратив соғломлаштириш обунаси-Б2Б	12 500
3	Виртуал дам олиш лицензияси-Б2Б	9 000
4	Академик мактаб/ коллеж соғломлаштириш обунаси	120 000
ЖАМИ:		142 000

Бир ойлик ҳаражатлар:

№	Номланиши	Сумма, \$
1	Маркетинг ва реклама	7 550
2	Бизнесни ривожлантириш	7 100
3	Бизнес операциялари	33 000
4	Технологик операциялар	9 150
5	Илмий-тадқиқот ишлари	1 115
6	"Лицензиялаш, сертификатлаш ва мувофиқлик"	665
7	Инфратузилма ва коммунал хизматлар	2 763
8	Кутилмаган ҳолатлар	1 227
ЖАМИ:		62 570

- Йиллик даромад 1 704 000 \$
- Йиллик ҳаражатлар: 750 840 \$
- **Йиллик соф фойда:** 1 704 000\$ - 750 840\$ = 953 160\$
- Инвестиция капиталининг рентабеллиги: **27%**

$$ROI = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Инвестиция}} \times \text{Инвестор улуши} * 100\% = 27\%$$

2 йил учун соф фойда ва рентабеллик: 1 821 088\$ - 51%

3 йил учун соф фойда ва рентабеллик: 3 915 750\$ - 110%

Фойданинг тақсимланиши:

Инвестор – **14%**, лойиха Муаллифи – **71%**, компания ходимлари – **10%**, маслаҳатчилар – **5%**



info@uzinvest.uz



<https://t.me/uzinvestuz>



+998983389333,+998909259681



info@uzinvest.uz



<https://t.me/uzinvestuz>



+998983389333,+998909259681